2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 137 (1198), 2024 йил 10 июль, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унгбони қабул қилди.**



БМТнинг ушбу нуфузли институти билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

ХМТ бош директори самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистоннинг меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўринларини яратиш ва халқаро конвенцияларни имплементация қилиш борасидаги ютуқларига юқори баҳо берди.

Шу муносабат билан ўз ташрифини Ўзбекистон раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган самарали ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ифодаси деб атади.

ХМТ мамлакатимиз тажрибасини халқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муваффақиятли модель сифатида кўраётгани таъкидланди. Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ташкилотнинг Маъмурий кенгашига сайланиши бунинг эътирофи бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ташкилот кўмагида Ўзбекистонда меҳнат соҳасида 40 дан ортиқ норматив ҳужжат қабул қилинди, 22 та халқаро конвенция ратификацияланди.

Ижтимоий адолат тамойилларини илгари суриш бўйича, шу жумладан, "Ижтимоий адолат глобал коалицияси" доирасида қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида 2026-2030 йилларга мўлжалланган янги Мамлакат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июль куни Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) раиси Тадаши Маэда бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Ушбу етакчи молиявий институт билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва Япония компаниялари билан кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

2019 йил декабрь ойида Японияга амалга оширилган олий даражадаги ташриф икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, амалий мазмун билан бойитгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ва Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми ошиб бормоқда, янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

JBICнинг мамлакатимизда устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги муҳим ўрни қайд этилди. Бугунги кунда нефть-кимё, тўқимачилик саноати, энергетика ва инфратузилмани модернизация қилиш каби соҳаларни қамраб олган қўшма лойиҳалар портфели 3,7 миллиард доллардан ошди.

"Sojitz" корпорациясининг Ўзбекистондаги фаолияти юқори баҳоланди. У билан биргаликда нефть-газ соҳасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Куни кеча Тошкент шаҳрида компания ваколатхонасининг очилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари "яшил" энергетика, геология, инфратузилмани модернизация қилиш, коммунал хўжалик ва соғлиқни сақлаш соҳаларида Япония компаниялари иштирокида янги кооперация лойиҳаларини тез фурсатда тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Япония халқаро ҳамкорлик банки билан уч йиллик ҳамкорлик дастурини, шунингдек, "Sojitz Corporation" билан Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори технологик тармоқларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

**ЎзА**

# ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 июль куни геология соҳасидаги ишлар ва инвестиция лойиҳалари ижроси билан танишди.**

Мутасаддилар йил бошида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ахборот берди.

Жумладан, ўтган 6 ойда қарийб 3 миллион тонна кўмир қазиб олинган. "Шарғункўмир" акциядорлик жамиятида механизациялашган ер ости комплекслари тўлиқ ишга туширилиб, кўмир қазиб чиқариш бир кеча-кундузда 3,5 минг тоннага етказилган.

Иккинчи ярим йилликда яна 5 миллион тоннадан зиёд кўмир қазиб олиниши режалаштирилган. Шундан 1,8 миллион тонна иссиқлик электр станцияларига, 1 миллион тоннадан ортиғи аҳолига, 540 минг тонна ижтимоий муассасаларга етказиб берилади, 1,8 миллион тонна маҳаллий кўмир биржа савдоларига чиқарилади.

Умуман, бу йил кўмир қазиб чиқариш ўтган йилга нисбатан 1,4 миллион тоннага кўп бўлиб, импорт ҳажми сезиларли қисқаради.

Тармоқда қатор инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Нишбош конини ўзлаштиришга Хитойнинг "Henan" компанияси 400 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция киритиши кўзда тутилган. Бу лойиҳа самарасида ер ости усулида йилига 8 миллион тоннагача кўмир қазиб чиқариш ва шундан 5 миллион тоннасини бойитиш режалаштирилган.

Юртимизда каолиннинг ҳам катта захираси мавжуд. Ҳозирда конларни ўзлаштиришга жалб қилинган тадбиркорлар томонидан 396 минг тонна маҳсулот қазиб олинмоқда. Бу жуда кам.

Шу боис, 2024-2025 йилларда Геология дастури доирасида 7 та кон ташаббускорларга таклиф этилади ва бу орқали қазиб олиш ҳажми 2 миллион 700 минг тоннага етказилади.

Тошкент вилоятидаги "Апартак-3" кони негизида Туркиянинг "Bab Energy ve Petrol Urunleri A.S." компанияси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. 15 миллион долларлик мазкур лойиҳа натижасида 40 та янги иш ўрни яратилиб, йилига 70 минг тонна бойитилган каолин тайёрланади.

Шу йил 29 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари саноат учун муҳим минераллар масаласига алоҳида эътибор қаратган эди. Шундан сўнг бу йўналишга ихтисослашган "Ўзбекистон технологик металлар комбинати" акциядорлик жамияти ташкил этилди. Илмий ва технологик тадқиқот ҳамда геология-қидирув ишларига қаратилган 40 миллион долларлик 34 та лойиҳа ишлаб чиқилди.

Бу тармоққа етакчи хорижий компаниялар ва малакали экспертларни жалб қилиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, ўтган ойда Корея Республикаси Президентининг мамлакатимизга ташрифи доирасида "KIGAM" институти билан ноёб минералларни излаш, технологик тадқиқотлар ўтказиш ва рақамлаштириш бўйича 10 миллион долларлик грант лойиҳаси юзасидан келишув имзоланди.

Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликдаги умумий қиймати 800 миллион долларлик лойиҳаларнинг бориши ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари геология-қидирув ишларини кенгайтириш, олинган хомашёлардан қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

# ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ САРИ

**Пойтахтимизда "Бандлик ва ижтимоий ҳимояни уйғунлаштириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича Миллий комиссия раиси Танзила Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Жильбер Унгбо, вазирлик ва идоралар, ННТ, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар кейинги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланганларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришнинг ташкилий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, мазкур йўналишларда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

*Давоми 2-бетда*

## Муносабат

# ТУРКИЙ МУШТАРАКЛИК

## Тарихий илдизлари бир, орзу-интилишлари ҳамоҳанг

**Ўзбек ва озар халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Халқларимизнинг тарихий илдизлари, бугунги орзу-интилишлари муштарак, маданияти, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин.**

Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар янги динамика ва мазмунга эга бўлиб бормоқда. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги юқори босқичга кўтарилди, дўстлигимиз янада мустаҳкамланди.

Икки мустақил давлат 1995 йил октябрь ойида дипломатик муносабатларни ўрнатган эди. Давлатларимиз Парламент вакиллари Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтаётган Президент ва парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида мунтазам иштирок этиб келмоқда, турли халқаро тадбирларда қатнашяпти.

Қардош халқларнинг маданияти ва санъати асрлар давомида ёнма-ён ривожланиб, бир-бирини ўзаро бойитиб ва тўлдириб келмоқда. Озарбайжонда ўзбек адабиётининг мумтоз вакили, шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий ижодига қизиқиш юқори.

*Давоми 3-бетда*

## Нуқтаи назар

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ШҲТ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ, ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР

**Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ҳамда иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи ортиб бормоқда. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси пухта ишлаб чиқилгани, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ҳамда вазифалари, уларни амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилгани муваффақиятлар салмоғида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни кучайтириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг долзарб масалаларидан. Халқаро иқтисодий интеграциянинг афзалликларидан фойдаланиш миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш билан бирга, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ҳудудий жойлашуви жиҳатдан яқин бўлган мамлакатларнинг интеграциялашуви иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш асосида маҳсулотлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи алмашинуви, ижтимоий масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш, иқтисодий ўсиш суръатини барқарорлаштириш, халқаро савдо муносабатларида қулай шароит яратиш каби афзалликлар кўламини янада кенгайтиришга имкон яратади.

*Давоми 3-бетда*

## Янгича ёндашувлар




# МУРАККАБ ТЎҚҚИЗ БОСҚИЧЛИ ЖАРАЁНДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

4

**Биз хоразмликларнинг бошқа бир ўта хайрли иши ҳақида сўз юритмоқчимиз. Уларнинг Шуманай туманидаги турмуш шароити оғир оилаларга тегишли уйлар томини шифер билан ёпиб, баъзиларининг турар жойини янгидан қуриб бергани ҳар биримизнинг кўнглимизда миннатдорлик уйғотди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 10 июль, 137-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Инсон қадри учун

# ҚЎШНИ КЕЛДИ — КЎМАК КЕЛДИ

## Шуманайликларни миннатдор қилган эзгу ишлар




**Қўшни келди — кўмак келди. Аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган мазкур иборанинг мазмун-моҳиятини шу кунларда, айниқса, шуманайликлар ўз ҳаётида кўриб, янада теран ҳис этмоқда. Хусусан, қўшни хоразмликларнинг беғараз кўмаги ва хайрли ишларидан, энг аввало, шу эзгу ташаббусни илгари сурган давлатимиздан миннатдор.**

Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари биттадан вилоятга бириктирилди. Президентимизнинг 2022 йил 1 ноябрдаги "Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудда ўтказилган ўрганишлари натижасида аниқланган шароити оғир оилалар ва фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда овул ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган "Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳри ва Бўзатов, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахиатош, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманларига бириктирилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг барча овул ва қишлоқларидаги аҳоли турар жойлари ҳамда ички йўлларнинг ҳолати бўйича ўтказилган хатловдан келиб чиқиб, оғир турмуш шароитидаги оилаларга тегишли 21 минг 94 та уй-жойнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги 709 та уй-жойни янгидан қуриш вазифаси белгиланди.

Бу ташаббус барча вилоятлар, бутун мамлакатни Оролбўйида эзгулик йўлида бирлаштирди, десак муболаға бўлмайди. Бундай ҳамжиҳатлик, ўзаро кўмак, меҳр-оқибат қанчадан қанча қорақалпоғистонликларнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилди.

Шу жараёнда Хоразм вилоятига Шуманай тумани бириктирилди. Ҳудудни ривожлантириш бўйича ҳамкорликда ишлаб чиқилган "йўл харитаси" асосида қатор лойиҳалар амалга оширила бошлади. Қилинган дастлабки ишлардан бири — туманнинг "Бирлешик" овул фуқаролар йиғини ҳудудида Хоразм вилояти маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан 50 ўринли замонавий болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилиши бўлди. Янги мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг соғлом ўсиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган. Овулда мазкур мактабгача таълим ташкилоти иш бошлаши натижасида болаларнинг боғчага қамрови 45 фоиздан 90 фоизга етди. Шунингдек, "Мамий" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 0,63 километр сув тармоғи янгидан тортилди.

Биз хоразмликларнинг бошқа бир ўта хайрли иши ҳақида сўз юритмоқчимиз. Уларнинг Шуманай туманидаги турмуш шароити оғир оилаларга тегишли уйлар томини шифер билан ёпиб, баъзиларининг турар жойини янгидан қуриб бергани ҳар биримизнинг кўнглимизда миннатдорлик уйғотди.

Бу эзгу ишга вилоятнинг барча туманлари ҳисса қўшди. Жумладан, Урганч шаҳри "Бирлешик" ва "Сарманбайкол" овул фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги жами 31 хонадон, Хонқа тумани "Сарманбайкол" ОФЙдаги 28 хонадон, Боғот тумани "Кетенлер" ОФЙдаги 27 хонадон, Хива тумани "Мамий" ОФЙдаги 27 хонадон, Урганч тумани "Қарабайли" ОФЙдаги 26 хонадон, Ҳазорасп тумани "Беғжап" ОФЙдаги 26 хонадон томини шифер билан ёпиб берди.

— Маҳалламизда Гурлан тумани ҳокимлиги томонидан 27 та уйнинг томи шифер билан ёпилди ва битта уй янгидан қуриб берилди, — дейди "Ақжап" овул фуқаролар йиғини раиси Қуралбай Убайдуллаев. — Гурлан тумани ҳокими, ўринбосарлари ишнинг бошида бўлиб, тез-тез хабар олиб турди. Уйларнинг эгалари улардан жуда миннатдор.

Маҳалла раиси ҳамроҳлигида янги қурилган уй соҳиби, иккинчи гуруҳ ногирони Баҳодир Алламберганов билан учрашдик. У янги уйнинг шундоқ ёнида турган кулбани кўрсатиб, 20 йил шу ерда яшагани, 8-синфда ўқийдиган ногирон ўғли борлиги, хотини ҳам тез-тез оғриб туришини, чипта тўқиб кун кечиришини айтди. Янги уйда янги ҳаёт бошлаганини қувонч билан гапирди.

— Уйимиз қурилганига 15 йил бўлди. Ўшандан бери томини шифер билан ёпишга қурбимиз етмаганди, — дейди Шуманай тумани Мунчоқли маҳалласида яшовчи Нағима Убайдуллаева. — Ҳар йили қишнинг қорли кунларини жуда қийинчилик билан ўтказардик. Том шиферланганидан кейин бўлиб ўтган кучли ёғингарчиликда ҳам кўнглимизни хотиржам қилиб ўтиравердик.

> Яхшилик қандай яхши, кўнгилларни, одамларни, элларни бир-бирига боғлайди. Дўст-қадрдон, оға-инига айлантиради. Ҳамжиҳатлик ва якдилликка асос солади. Биз фақат Шуманай мисолида сўз юритдик, холос. Бошқа туманларга бириктирилган вилоятлар томонидан ҳудудларда қилинаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Фақат уларнинг барчасини бир мақолада ифода этиш қийин. Оролбўйидаги бундай тарихий, мислсиз ўзгариш ва янгиланишлар, ҳудуднинг ободлиги, гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилаётган марду майдонлар ҳақида ҳали китоблар ёзилса, ажаб эмас.

Унинг ён қўшниси, ёлғиз яшовчи Жалғас Элмуратов эса ўзига янги уй қуриб берилганидан мамнун.

Маданият маҳалласида яшовчи Мершат Шамшетова ҳам уйи анча олдин қурилгани, турмуш ўртоғи боғчада қоровул бўлиб ишлаши, кам иш ҳақи олиши, 1987 йили туғилган қизи биринчи гуруҳ ногирони бўлгани сабабли уйининг томини шифер билан ёпишига маблағ етказа олмаганини айтиб, шундай оғир паллада ёрдам берганларга миннатдорлик билдирди. Шу маҳаллада яшовчи Қалбай Сеитовнинг ҳам 2020 йилда қурилган уйи шиферли бўлди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан Шуманай туманидаги 349 та турар жойда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди. Жумладан, 329 та уйнинг том қисми ёпилди ҳамда 20 таси янгидан қурилди. Мазкур ишларни бажариш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жами 5,5 миллиард сўм ажратилди.

2022 йилда 1,6 миллиард сўм ҳисобига "Бирлешик" ОФЙ ҳудудида янгидан 50 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилди. Ҳозир "Кетенлар" ОФЙ ҳудудида янгидан 50 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиши бўйича тендер жараёни кетмоқда. Лойиҳа қиймати 3 миллиард сўм.

Шунингдек, Амударё кўчасига асфальт ётқизиш, тунги чироқлар ўрнатиш ва пиёдалар йўлакчаси қурилиши бўйича лойиҳа ишлари давом этмоқда. Объектнинг дастлабки қиймати 2,3 миллиард сўм.

— Хоразм вилояти, шаҳар ва туманлари ҳокимликлари, мутасадди корхона ва ташкилотлари туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси, уй-жой шароитини яхшилаш борасида ўзларига юклатилган вазифалар ижросига ниҳоятда масъулият билан ёндашди, — дейди Шуманай тумани ҳокими ўринбосари Айдос Мамбетжанов. — Шу жараёнда қурувчи усталар билан хонадонлар эгалари яқин қариндошдай бўлиб кетди. Бу ришталар энди узоқ йиллар мустаҳкам сақланиши муқаррар.

Қорақалпоғистонда вилоятлар томонидан қилинаётган ишлар нафақат ҳудудни ривожлантириш ёки одамлар турмуш шароитини яхшилаш, балки ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланиши, тарихан туташ томирларнинг теран бирлашиши, урф-одат, қадрият, анъаналарнинг эзгулик йўлида уйғунлашиши, бир сўз билан айтганда, оғзибирчиликнинг янада кучайишига замин бўлмоқда.

Президентимиз Қорақалпоғистон билан Хоразмни боғлайдиган улкан иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга стратегик иншоот — Амударё туманида бунёд этилган кўприкнинг очилиш маросимида "Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолимизга қулай шароитлар яратиш мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан биридир. Илгари ҳам айтганимдек, Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бугун мана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз", дея таъкидлаган эди.

Шуманай туманида янги таъмирланган ва қурилган хонадонлар соҳиблари билан самимий суҳбатларимиз чоғида уларнинг хурсандлиги юз-кўзидан шундоққина кўриниб турар, юртимиздаги эзгуликлар ташаббускори бўлган мутасаддиларга миннатдорлигини қайта-қайта таъкидларди.

Яхшилик қандай яхши, кўнгилларни, одамларни, элларни бир-бирига боғлайди. Дўст-қадрдон, оға-инига айлантиради. Ҳамжиҳатлик ва якдилликка асос солади. Биз фақат Шуманай мисолида сўз юритдик, холос. Бошқа туманларга бириктирилган вилоятлар томонидан ҳудудларда қилинаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Фақат уларнинг барчасини бир мақолада ифода этиш қийин. Оролбўйидаги бундай тарихий, мислсиз ўзгариш ва янгиланишлар, ҳудуднинг ободлиги, гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилаётган марду майдонлар ҳақида ҳали китоблар ёзилса, ажаб эмас.

**Назира МАТЯҚУБОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

# ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ САРИ




**Бошланиши 1-бетда**

Т.Норбоева конференция ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари институтини мустаҳкамлаш, тенгсизлик ва камбағалликни қисқартириш, уларнинг олдини олиш соҳасидаги сиёсатни такомиллаштириш йўлидаги дастлабки қадам эканлигини алоҳида таъкидлади.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Ж.Унгбо Ўзбекистон мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ютуқларга эришганини, бу борада бошқа давлатлар учун намуна бўлганини алоҳида таъкидлади. Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган ва ижтимоий ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланаётган ислоҳотларнинг кенг қамровли эканига урғу берди.

Қайд этилганидек, юртимизда мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Муносиб меҳнат стандартларини жорий этишга киришилди. Натижада ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилинди.

Бундан ташқари, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг ажралмас қисми эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг бандликни таъминлаш борасидаги ишларига ҳам эътибор қаратилиб, кейинги йилларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишсизлик даражаси 2020 йилдаги 10,5 фоиздан 2024 йилда 6,8 фоизга тушди.

> **Ўзбекистоннинг бандликни таъминлаш борасидаги ишларига ҳам эътибор қаратилиб, кейинги йилларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишсизлик даражаси 2020 йилдаги 10,5 фоиздан 2024 йилда 6,8 фоизга тушди.**



Камбағаллик даражаси эса 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йил якунига келиб, 11 фоизга тушди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий адолат ва муносиб меҳнат тамойилларини жорий қилиш йўлидан дадил бормоқда.

Ўзбекистон томонидан ХМТнинг 144-сонли Конвенцияси ратификация қилингач, 2019 йилда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иш берувчилар республика Конфедерацияси вакилларидан иборат Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссияси ташкил этилди.

Анжуман доирасида "Меҳнат меъёрлари ва ҳуқуқларининг бугунги кундаги ҳолати", "Яшил иқтисодга ўтиш учун муносиб меҳнат иш ўринларини молиялаштириш" ва бошқа мавзулардаги панель сессиялар ҳам ўтказилди.

Якунда конференция резолюцияси қабул қилинди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Халқаро эътироф

# ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ



**Ўзбекистоннинг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонаси томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (ИҲТ) 56-сессияси доирасида "Гендер асосидаги зўравонликка қарши кураш: иқтисодий ўсиш, инклюзивлик ва барқарор ривожланиш йўли" мавзусида тадбир ўтказди.**

Анжуман Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Европа Иттифоқининг Женевадаги дипломатик ваколатхоналари ташаббуси билан ташкил этилди.

Тадбирда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг доимий вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилотининг Халқаро меҳнат стандартлари департаменти директори К.Вара, шунингдек, 60 дан ортиқ аъзо давлат, БМТ тузилмавий бўлинмалари ва қатор халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар масъуллари иштирок этди.

> Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган индексга кўра, Ўзбекистон гендер тенглик бўйича энг жадал ривожланаётган 5 та, очиқ гендер маълумотлари индексига кўра эса 20 та мамлакат қаторидан жой олган. Шу билан бирга, кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда давлат органларидаги хотин-қизлар улуши 27 фоиздан 35 фоизга, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида 46 фоизга кўпайгани, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани маълум қилинди.

Ўзбекистон томони иштирокчиларга юртимизда гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Хусусан, кейинги йилларда Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришиш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришилгани таъкидланди.

Қайд этилишича, Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган индексга кўра, Ўзбекистон гендер тенглик бўйича энг жадал ривожланаётган 5 та, очиқ гендер маълумотлари индексига кўра эса 20 та мамлакат қаторидан жой олган.

Шу билан бирга, кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда давлат органларидаги хотин-қизлар улуши 27 фоиздан 35 фоизга, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида 46 фоизга кўпайгани, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани маълум қилинди.

Шунингдек, иштирокчилар эътибори Ўзбекистон ташаббуси билан 2021 йилда ташкил этилган ва минтақанинг барча давлатларини қамраб олган "Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти"га қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан Европа Иттифоқи, Буюк Британия ва ХМТ вакиллари Ўзбекистонда оиладаги зўравонлик жиноят деб топилгани, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган чора-тадбирларга юқори баҳо берди.

**"Дунё" АА**
*Женева*



Муносабат

# ТУРКИЙ МУШТАРАКЛИК

## Тарихий илдизлари бир, орзу-интилишлари ҳамоҳанг



**Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Бошланиши 1-бетда**

Бу икки буюк халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар бор. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш “Авесто” китоби, шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ўлмас дурдоналари саналган “Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб”, “Китоби дада Қўрқут” достонлари ана шу азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми барқарор ошиб бораётир. Қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ТДТнинг иккита асосий аъзоси бўлиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун салмоқли салоҳиятни намойиш этади.

Ўзбекистон бундан беш йил муқаддам айнан Озарбайжон заминида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) га аъзо бўлиб кирган. Ўтган қисқа даврда 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан шу йил 5-6 июль кунлари қардош давлатда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этди.



Албатта, саммитнинг навбатдаги йиғилиши учун айнан ушбу шаҳар танлангани бежиз эмас. Сабаби Шуша шаҳри туркий дунёнинг маданият пойтахтларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари айтганидек, гўзал Қорабоғнинг дурдонаси ҳисобланган бу муқаддас шаҳар Озарбайжон халқининг сўнмас жасорати, тенгсиз матонати, чин мардлик ва бирдамлигини яққол намоён этган тарихий ғалабанинг ёрқин тимсолидир.

Таъкидлаш жоизки, ТДТ кейинги йилларда барқарор мулоқот ва ҳамкорлик майдонига, ягона қарашга эга платформага айланди, ўз навбатида, аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳақиқатан жонланди. Бу кўп жиҳатдан ташкилот фаолиятида Ўзбекистоннинг ташаббускорлиги билан боғлиқ.

Зеро, юртимизда олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат, давлатимиз раҳбарининг ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари самарасида узоқ-яқиндаги давлатлар билан мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, Туркий давлатларда яшовчи аҳоли сони 160 миллион кишидан ошади, ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳудуди эса қарийб 4 миллион квадрат километрни ташкил этади. Бу мазкур ташкилотнинг аҳоли сони, салоҳияти ва аҳамияти бўйича Евроосиё марказидаги йирик тузилма эканидан далолат беради.

Туркий давлатлар ташкилоти, табиийки, ўз олдига катта вазифаларни мақсад қилиб қўйган. Улар жумласига қардош мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, энергетика, сайёҳлик, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш кабилар ҳам киради.

Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо ҳажми барқарор ўсаётгани эътиборга молик. Биргина ўтган йил якунларига кўра, умумий ўзаро товар айланмамиз ҳажми 27 фоизга ошди. Бундай юқори ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам кузатилмоқда. Қолаверса, мамлакатларимиз бугунги кунда дунёнинг асосий бозорларига чиқиш ҳамда Буюк ипак йўлини янги тарихий шароитда қайта тиклаш учун қаттиқ бел боғлаган.

Кейинги йилларда ташкилот доирасида бу йўналишдаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда, рақамли тизимлар ишга туширилмоқда. Натижада Транскаспий халқаро транспорт йўлаги орқали юк ташиш ҳажми муттасил ўсиб боряпти. Шубҳасиз, бизнес учун энг маъқул тарифларни жорий этиш ушбу йўлакнинг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини кескин оширади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, “Ягона ойна” тизими йўлга қўйилишидан, божхона-чегара ўтказиш пунктларининг узлуксиз ишлаши таъминланишидан манфаатдормиз, дея таъкидлади.

Ўтган ой Тошкентда Туркий давлатлар ташкилоти ҳузуридаги Логистика марказлари ва юк ташувчилар альянси таъсис этилганди. Бу борада ташкилот доирасида Темир йўл маъмуриятлари кенгашини тузиш ва унинг дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш таклифи ниҳоятда тўғри ва оқилона қарор бўлди.

Сир эмаски, бугун инсоният глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ экологик муаммолар авж олаётган қалтис бир даврда яшамоқда. Иқлим ўзгаришларининг олдини олмаслик нафақат мамлакатлар иқтисодий кўрсаткичлари, балки ижтимоий-сиёсий масалаларига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Ташкилот ҳудуди ҳам иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан биридир. Шу боис, Президентимиз ўз нутқида иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш бўйича ҳам долзарб таклифларни илгари сурди. Хусусан, мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун вазирлар даражасида Туркий экология кенгашини тузиш таклифини билдирди. Мазкур тузилма қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўрган ҳудуд — Оролбўйидаги йирик шаҳар Нукусда жойлаштирилиши айни муддао бўлди деб ҳисоблаймиз.

Давлатимиз раҳбари туркий дунё халқаро ҳамжамиятда ўзининг баланд овозига эга бўлиб бораётганини алоҳида ғурур билан таъкидлади. Жорий йил ноябрь ойида Бокуда ўтказиладиган БМТнинг XXIX Иқлим саммити (COP — 29) барча мамлакатлар учун улкан тарихий воқеа бўлишини қайд этди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва уларнинг энергия мажмуасидаги улушини 2030 йилга бориб, 40 фоизга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам мамлакатимизнинг “яшил” кун тартиби ва экологик барқарор ривожланишга интилишидан далолат беради.

Президентимиз қўшни Афғонистон мавзусига ҳам тўхталиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларида уруш ва можаролар кучайиб бораётгани оқибатида ён қўшнимиз бўлган ва кўп миллионли туркий халқлар истиқомат қилаётган Афғонистондаги вазият халқаро ҳамжамият эътиборидан четда қолиб кетаётганини билдирди. Айниқса, Ўзбекистон афғон халқига зарур ёрдам кўрсатишни бундан буён ҳам давом эттириши ҳақидаги фикрлари мамлакатимизнинг яқин қўшниларига бўлган юксак эътиборининг ёрқин намунаси бўлди.

Ташкилот шафелигида келаси йили аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркшунослар конгрессини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи, шубҳасиз, узоқни ўйлаб қўйилган муҳим саъй-ҳаракатдир. Бу, ўз навбатида, туркий халқлар ўртасида таълим, илм-фан ва маданий алмашинувни ривожлантириш, ТДТ ўртасида мулоқот ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга замин яратади.

Сирасини айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу саммитдаги иштироки стратегик шерикликни мустаҳкамлаш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Давлатимиз раҳбари глобал хавф ва таҳдидлар ортиб бораётган бир шароитда туркий давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб берган муҳим ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Бу эса туркий дунё тараққиёти ва фаровонлиги йўлида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги мазмун билан тўлдиради.

Мухтасар айтганда, юқори савияда ўтган саммит қардош халқлар фаровонлиги ва осойишталиги йўлида ўзаро ҳамкорлик, маданий алмашинув ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда юксак натижаларга эришишнинг янги уфқларини очиб беради.

Нуқтаи назар



# ЎЗБЕКИСТОН ВА ШҲТ:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ, ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР





**Жасурбек АТАНИЯЗОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Бошланиши 1-бетда**

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашуви миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, миллатлар ва элатларнинг яқинлашуви аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёни кучайиши баробарида Ўзбекистон Марказий Осиё, МДҲ давлатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан алоқаларини ривожлантирмоқда. Бу борада халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамкорлик, хусусан, мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятидаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

ШҲТнинг энг муҳим мақсадларидан бири аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Сиёсий, савдо-иқтисодий, мудофаа, ҳуқуқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, молия-кредит ва умумий манфаатларга эга бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни рағбатлантириш ҳам ташкилотнинг асосий мақсадлари сирасига киради.

Шунингдек, аъзо давлатлар халқларининг турмуш даражасини изчил ошириш ва яхшилаш мақсадида тенг ҳуқуқли шерикликка асосланган ҳамкорлик орқали минтақада ҳар томонлама иқтисодий ўсиш, ижтимоий ва маданий ривожланишга кўмаклашиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ёндашувларини мувофиқлаштириш ҳам ШҲТ аъзоларининг асосий вазифаларидир.

Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг муҳим тенденцияларидан бири бўлган минтақавий жиҳатдан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш шароитида аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик энергетика, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва бошқа соҳаларда фаол ривожланмоқда. Сўнгги беш йилда ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 80 фоиз ошди. Жорий йил бошидан буён ташкилот доирасида савдо айланмаси 19 миллиард доллардан ортиқни ташкил этди.

Кейинги йилларда аъзо давлатларда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилиб, бу ўртача 6-8 фоизга етмоқда. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, ШҲТ мамлакатлари иқтисодиётининг умумий ҳажми 2023 йилда 24,5 триллион долларга тенг бўлиб, бу ташкилот тузилган пайтдагига нисбатан 15 баробардан кўпроқдир. Шунингдек, аъзо мамлакатлар умумий ялпи ички маҳсулоти ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 25 фоизига тенг.

Ташқи савдо муносабатлари ривожига хос ижобий тенденцияларга эришиш ҳамда аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар барқарорлигини таъминлашда Президентимизнинг 2021 йил сентябрда Душанбеда ўтказилган ШҲТ юбилей саммитида савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ҳамда ўзаро бозорларга чиқишни енгиллаштиришни назарда тутадиган Минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш борасидаги ташаббуси муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозир Ўзбекистон 198 давлат билан савдо алоқаларини йўлга қўйган. Мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида



ШҲТ таркибига кирувчи давлатлар иштироки салмоқли. Хусусан, 2023 йил якунига кўра, юртимиз жами ташқи савдо айланмасининг қарийб 50 фоизи айнан ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган.

Аъзо давлатлар экспорт ва импорт бўйича асосий ҳамкор сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, 2023 йилда мамлакатимиз экспорти умумий ҳажмида Россия 13,5 фоиз, Хитой 10,1 фоиз, Қозоғистон 5,6 фоиз, Қирғизистон 2,6 фоиз, Тожикистон 2,5 фоиз, Покистон 1,1 фоиз, Ҳиндистон 0,4 фоиз улушни эгаллаган.

ШҲТ аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва сармояларни жалб қилиш бўйича кўп тармоқли минтақавий тузилма сифатида кенг халқаро иқтисодий ҳамкорликка йўналтирилган ўзига хос ташкилотга айланди. “Бир макон, бир йўл” каби йирик сармоявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши ШҲТнинг истиқболли йўналишлари сифатида, биринчи навбатда, транспорт ва энергетика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қулай имконият яратади.

Ташкилот маконида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналиши қўшма корхоналар ташкил этишдир. Бундай корхоналар кўламини кенгайтириш учун юқори малакали ишчи кучидан тортиб, замонавий технологияларгача — барча шароитлар мавжуд.

Муваффақиятли ҳамкорликни таъминлаш ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг яна бир омили ШҲТ маконида транспорт имкониятларини кенгайтиришдир. Глобал таъминот занжирларини диверсификация қилиш шароитида Евроосиёда Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишлари бўйича янги халқаро темир йўл ва автомобиль йўлакларини яратиш стратегик аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда ШҲТ давлатларида 13 миллион километрдан ортиқ автомобиль йўли, шунингдек, 244 минг километрдан зиёд темир йўл мавжудлиги савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий транспорт алоқаларини ривожлантиришга имкон яратади. Бинобарин, аъзо давлатлар учун транспорт имкониятларини кенгайтириш жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг энг муҳим омили сифатида савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидандир.

Бугун транспорт инфратузилмаларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва янада қулай шарт-шароит яратиш, халқаро транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш, шунингдек, самарали транспорт-логистика инфратузилмасини шакллантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш муҳим. Шу боис, самарали ҳамкорлик ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни кучайтириш учун молиявий ва инвестициявий имкониятлардан фойдаланган ҳолда транзит йўлакларини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Транспорт ва ёнилғи-энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида янги конларни ўзлаштириш ва ресурслардан фойдаланишнинг қўшимча имкониятлари сифатида ШҲТда геология-қидирув фаолиятини самарали ташкил этиш келгусидаги ривожланишнинг истиқболли йўналиши сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимиз ШҲТ давлатлари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, кейинги беш йилда ташкилот саммитларида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновация ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни кучайтиришда долзарб аҳамиятга эга қатор ташаббуслар билдирилди. Бугун уларнинг ҳаётга татбиғи ижобий натижаларга эришишга хизмат қилмоқда.

Жорий йил 3-4 июль кунлари Остонада бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШҲТ плюс” форматидаги учрашувда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, истиқболда ташкилотга кирувчи мамлакатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада такомиллаштириш, минтақавий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш, транспорт боғлиқлигини кучайтириш, маданий мулоқотни кенгайтириш бўйича олдинда турган энг долзарб вазифаларга тўхталди. Хусусан, тузилма аъзоларининг улкан ривожланиш имкониятини рўёбга чиқариш учун иқтисодий шерикликнинг янги моделини шакллантириш ва барқарор ривожланишнинг узоқ муддатли кун тартибини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

ШҲТ олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида сўз борар экан, глобал даражада ишонч тақчиллиги шароитида умумий хавфсизликни таъминлашда янги ёндашувларни излаш зарурати ошиб бораётгани таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон илгари сурган умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамжиҳатлик бўйича Самарқанд ташаббусини амалга ошириш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари мулоқотни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ШҲТнинг Яхши қўшничилик, ишонч ва трансчегаравий шериклик кодексини қабул қилишга чақирди. Иқтисодий йўналишда стратегик юксалишга эришиш учун ташкилот доирасида савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимни, амалдаги рақамли савдо платформаларини интеграция қилган ҳолда электрон тижорат соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш доирасида ўзаро инвестицияларни, энг аввало, инфратузилма, саноатнинг юқори технологик тармоқлари ва хизматлар соҳасига жалб қилишни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди. Бундай лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш, жумладан, ШҲТ жамғармаси ва Тараққиёт банкини таъсис этиш масаласини кўриб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

ШҲТ мамлакатларининг иқтисодий салоҳиятини самарали ривожлантиришга хизмат қиладиган “Шарқ — Ғарб” ва “Шимол — Жануб” йўналишларида инклюзив транспорт тизимини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, логистика тартиб-таомилларини рақамлаштириш, жумладан, ШҲТ мамлакатлари чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар тўғрисида электрон маълумотлар алмашинувини ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ташкилот маконида замонавий ва ишончли энергетика инфратузилмасини кенгайтириш мақсадида қайта тикланадиган энергетикага инвестиция ва технологияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича комплекс ҳамкорлик режасини тайёрлаш зарурлиги билдирилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз рақобатбардошлигини таъминлашда рақамли иқтисодиётга ўтиш, сунъий интеллект ва илғор ахборот технологиялари ечимларини жорий этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан соҳада билим ва илғор тажриба алмашиш имконини берадиган “ШҲТ келажак технологиялари” дастурини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

ШҲТ доирасида умумий мақсад ва манфаатлар уйғунлигида ўзаро ҳамкорликни янада жадаллаштириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтириш асосида маҳаллий тадбиркорларнинг янги бозорларга чиқиши миллий иқтисодиёт салоҳиятини оширишга имкон яратади.



“Экспорт уч қадамда” тизими экспорт, божхона, юк декларацияларини шакллантиришдан расмийлаштиришгача бўлган барча жараёнларни қамраб олади. У амалиётга татбиқ этилгач, тадбиркорлик субъектларининг божхона брокерларига сарфлаётган харажати қисқарди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 10 июль, 137-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Қарор ва ижро












# САНОАТНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНАЁТГАН СОҲА

## Ўзбек заргарлик маҳсулотлари экспорти бир миллиард долларга етказилади



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Бу соҳа вакилларига иши тушмаган одамнинг ўзи йўқ ҳисоб. Чунки оналаримиз, опа-сингилларимиз, турмуш ўртоқ ва қизларимизга яхши кунларда ҳаммамиз қимматбаҳо, эсда қоларли совға беришни истаймиз. Бундай совға ҳақида ўйлаганимизда кўз олдимизга, биринчи навбатда, бежирим тилла, кумушдан ясалган тақинчоқлар келади.**

Катта авлод яхши билади: бир пайтлар соҳа вакиллари яширинча, уйи ертўласида ҳеч қандай шароитсиз фаолият юритишга мажбур эди. Заргар дейилса, кўз олдимизга ноқонуний иш қилувчи, тилла, кумуш каби қимматбаҳо металларни сотиб олувчи “чайқовчи” келарди.

Қадимдан юртимизда бу соҳа яхши ривожланган. Маълумотларга кўра, биргина Бухоро заргарлари тайёрлаган маҳсулотлар 20 га яқин давлатга экспорт қилинган. Собиқ иттифоқ даврига келиб, соҳа вакилларига ялпи “уруш” очилди. Маҳсулотлари тортиб олинди, заргарлик билан шуғулланиш тақиқланди.

Мамлакатимизда заргарликка ҳам кенг йўл очилиб, бу соҳа санъат даражасига кўтарилди. Энг муҳими, турли қийматдаги металлардан фойдаланишга имкон яратилди. Айни кунда уста заргарлар икки хил: унутилаётган маҳаллий анъаналарни тиклаш ҳамда замонавий услублар йўналишида самарали меҳнат қилмоқда.

— Энг муҳими, соҳада қулай шароит яратилди, — дейди “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Шоҳрух Тўйчибоев. — Заргарлик соҳаси бир кун ёки бир йилда ривожланиб қолмайди. Заргарлик санъатининг кўп асрлик анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, маҳаллий заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилишини яхшилаш, заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 15 ноябрдаги “2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси заргарлик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси ташкил этилганди. Бугун мазкур ҳужжат ижроси доирасида заргарлик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишни мувофиқлаштириш, илмий-техникавий, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсати изчил юритилмоқда. Тайёр заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, дизайнида талаб этилаётган йўналиш ва технологияларни кўпроқ ўзлаштириш, халқаро талабларга мувофиқ заргарлик маҳсулотларини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш чоралари кўриляпти, сифат менежментининг замонавий усуллари кенг жорий этилди. Шу билан бирга, маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилиб, ички ва ташқи бозорларда заргарлик буюмлари нархини мониторинг қилиш, экспорт ҳажмини ошириш, нархларни шакллантиришга оид мақбул механизм ишлаб чиқилди.

Дунё бозорида рақобатбардош бўлган, юқори ликвидли заргарлик маҳсулотлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган санъат намуналари ишлаб чиқариш, тўғридан тўғри чет эл инвестициялари ҳамда замонавий технологик ускуналар ва инновацион изланишларни татбиқ қилиш тажрибасига эга хорижлик инвесторлар жалб этилмоқда.

Санъатдан саноатга айланиб бораётган заргарлик тармоғи учун замонавий, креатив фикрлайдиган кадрлар, содда қилиб айтганда, ишнинг кўзини биладиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳияти юқори мутахассислар тайёрлаш, устоз-шогирд анъаналарини йўлга қўйиш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилди. Аслида, заргарлик буюмларининг ҳар бири — ўзига хос санъат асари. Бу санъатни саноатга ўтказиш учун замонавий технологиялар билан ишлаш методларини ўзлаштириш зарур.

Соҳа олдида турган асосий вазифалардан бири ички ва ташқи бозорда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг юқори сифатли маҳаллий заргарлик буюмларига бўлган талабини қондиришдан иборат.

Ўзбекистон энг йирик олтин захирасига эга саноқли давлатлардан бири сифатида эътироф этилади. Бугун шунга мос равишда миллий заргарлик брендлари жаҳон бозорининг қимматбаҳо стендларидан муносиб жой эгаллаб бормоқда. Соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасини иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, мамлакатимизда йилига 100 тонна олтин қазиб олинади. Уни заргар тадбиркорларга бўлиб тўлаш шарти билан сотишга рухсат берилган. Бундай имконият ҳеч қайси давлатда йўқ. Лекин юртимизда олтиннинг бор-йўғи 6 фоизи қайта ишланади. Қизиғи, олтин қазиб олинмайдиган мамлакатлар бу борада биздан кўра кўп маҳсулот экспорт қилади. Шунинг учун ҳам айни пайтда юртимизда ишлаб чиқаришга қўшимча шароит яратилмоқда.



Жорий йил 19 июнда давлатимиз раҳбарига заргарлик саноатини янада ривожлантириш, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тайёр маҳсулотлар экспортини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимот қилинди. Унда ишлаб чиқариш, кўргазма ва савдо майдонларини ўз ичига олган махсус заргарлик марказларини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Жумладан, заргарлик саноатини ривожлантириш, ҳунармандлар учун берилган имтиёзларни ЯТТларга ҳам қўллаш, ускуналар учун божхона божини ноль қийматда белгилаш, шунингдек, заргарлик буюмларини АҚШга GSP тизими асосида экспорт қилиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Энг катта янгилик сифатида заргарлар энди ўз саноат зонасига эга бўлади. Бу борадаги пилот лойиҳаларни Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятида жойлаштириш режа қилинди.

Тақдимотда Президентимиз 2027 йилгача бўлган даврда маҳаллий заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида дастур яратиш бўйича топшириқ берди.

Янги дастурга кўра, ишлаб чиқариш қуввати 40 тоннага, ўзбек заргарлик маҳсулотлари экспорти бир миллиард долларга, хомашёни қайта ишлаш ҳажми 40 фоизга, соҳадаги бандлик 20 минг кишига етказилади.

— Бу соҳа шиддатли ривожланиш босқичига чиқди, — дейди тадбиркор Зафариддин Асланов. — Масалан, бундан беш йил олдин биз тасаввур қила олмайдиган ўзгаришлар бўлди. Хусусан, соҳа анъанавий заргарликдан саноат даражасига кўтарилмоқда. Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор ва рағбат натижасида заргарлар сони кундан кунга ошмоқда. Қозоғистонлик ҳамкорлар билан корхона очдик. Ҳар томонлама қўллаб-қувватлов туфайли сезиларли ютуқларга эришяпмиз. Хусусан, айни пайтда корхонамизда 150 ишчи-мутахассис хизмат қиляпти. Кунига 4 килодан зиёд, бир йилда эса 1 тоннадан ортиқ олтинни қайта ишлаш қувватига эгамиз.




2026 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик соҳасида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, қадоқлаш ва ёрлиқлаш маҳсулотларига нисбатан божхона божи ва қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини қўллаш имконияти ўрганилмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Айни пайтгача мамлакатимизда қазиб олинаётган олтиннинг 6 фоизи қайта ишланиб, бор-йўғи 78 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинмоқда. Тадбиркорлар учун алоҳида шароитларга эга заргарлик зоналари ташкил қилиниши, соҳага хомашё етказиш, мутахассис тайёрлаш, ишлаб чиқариш занжири ва сотиш тизимининг бутунлай қайта кўриб чиқилиши “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш, шу жумладан, маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантиришга замин яратади. Бинобарин, стратегияда саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш, юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқаришни 3,5 баробар, олтинни 1,5 баробар, кумушни 3 баробар оширишда заргарлик саноати жуда катта аҳамиятга эга.

Албатта, заргарлик саноати ривожида соҳани ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар жуда муҳим. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 22 февралдаги “Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунга замин яратган бўлса, 2022 йил 23 декабрдаги “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва маҳаллий заргарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳадаги ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва маҳаллий заргарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бундай корхоналарга қатор қулайликлар яратиш билан бирга қимматбаҳо металларни товар-хомашё биржасидан кечиктириб тўлаш шарти билан сотиб олиш имконини ҳам яратди.

— Ушбу соҳада 24 йилдан буён фаолият юритиб келаман, — дейди тадбиркор Давлат Нарзиқулов. — Олдин фақат заргарлик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланардик. Ишлаб чиқаришга шароит йўқ эди. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар, хусусан, заргарлик йўналишида тадбиркорларга қаратилаётган эътибор натижасида олти йил олдин ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Шароит йўқ эди деган фикримни изоҳлайдиган бўлсам, биринчидан, олтин сотиб олишда эркинлик мавжуд эмасди. Бундан ташқари, заргарлар учун бирор қулайлик ёки солиқ имтиёзлари бўлмаган. Буни яширишнинг ҳожати йўқ. Бугун эса бемалол юртимиздаги олтин ишлаб чиқарувчи корхоналардан хомашё сотиб оляпмиз. Ишлаб чиқариш учун барча шароитлар яратилган. Масалан, солиқлар ноль фоизга туширилган, экспорт учун жуда қулай имконият бор. Ҳозир корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати 80 фоиз ошди. Йўналишимиз тарихий обидалар нусхаларини олтин билан безашга қаратилган. Шу орқали юртимизни янада машҳур қилиш ниятидамиз.

Ҳозир маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ички истеъмол бозорини таъминлаш билан бирга хорижий бозорларга кириш имкониятига эга бўлмоқда. Бунинг учун заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга талаб ортиб боряпти. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон заргарлик саноатида ишлатиладиган рангли металлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар мамлакатимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади ҳамда конлардан қазиб олинади.

Ўтган даврда юртимизнинг турли ҳудудларида заргарлик санъатининг кўп асрлик анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш билан бирга қатор хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, соҳада илғор бўлган Туркия, Миср каби давлатлар тажрибаси ўзлаштирилиб, маҳаллий шароитда қўлланмоқда.

Заргарлик соҳаси маҳаллий саноатнинг асосий драйверларидан бирига айлантирилмоқда. Бу қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг хомашёга эҳтиёжини таъминлаш борасида берилган имтиёз соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Янгича ёндашувлар

# МУРАККАБ ТЎҚҚИЗ БОСҚИЧЛИ ЖАРАЁНДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

**Экспортёр тадбиркорлар учун вақт — бебаҳо. Айниқса, тез бузилувчи маҳсулотлар экспортини тезкорлик билан амалга ошириш лозим. Акс ҳолда, тадбиркор кўзлаган даромад зарарга айланади.**

Божхона органлари томонидан “Экспорт уч қадамда” тизими жорий этилгани барқарор экспортни таъминлаш жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Ушбу тизимга қадар маҳсулотлар экспорти амалиёти 9 босқичдан иборат эди. Бу жараён уч баробар қисқариб, энди 3 босқичдаёқ амалга оширилмоқда.

— Бу тизим тадбиркорлар учун жуда кўп қулайликлар яратди. Айниқса, вақт тежалиб, самарадорлик ошди. Аввалги тизимда бир кунда 10 тагача юк машинасида маҳсулот экспорт қилган бўлсак, 3 босқичли жараёнда мазкур кўрсаткич 30 тагача етди. Айниқса, барча жараёнлар рақамлаштирилгани туфайли бир жойда туриб, ҳамма ишни электрон бажариш мумкин, — дейди тадбиркор Талғат Мирманов. — Корхонамиз Навоий вилоятидаги энг йирик текстиль корхоналардан. Таркибида учта цех мавжуд. Бир кунда 40 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспортга йўналтирилади. Маҳсулотларимиз, асосан, Россия, Туркия, Хитой ва Польшага юборилади. Янги тизим корхонамизнинг экспорт имконияти ва самарадорлигини янада оширди.

“Экспорт уч қадамда” тизими экспорт, божхона, юк декларацияларини шакллантиришдан расмийлаштиришгача бўлган барча жараёнларни қамраб олади. У амалиётга татбиқ этилгач, тадбиркорлик субъектларининг божхона брокерларига сарфлаётган харажати қисқарди. Халқаро тижорат амалиётида сотувчи томонидан харидорга тақдим этиладиган товар ва хизматлар рўйхати, уларнинг миқдори ва харидорга етказиб берилган нархи, товарларнинг расмий хусусиятлари, етказиб бериш шартлари, жўнатувчи ва олувчи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд ҳужжатни бевосита тизим орқали шакллантириш имкони яратилди. Энг муҳими, расмийлаштириш вақти кескин қисқарди.

— Навоий вилоятида 140 дан ортиқ экспортёр корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 107 таси юк транспорти орқали экспортни амалга оширади. Тадбиркорларнинг “Экспорт уч қадамда” тизими орқали келиб тушаётган экспорт декларациялари қисқа муддатда расмийлаштирилмоқда, — дейди Навоий вилояти божхона бошқармаси масъул ходими Шоҳсанам Самадова. — Бу жараёнда дастлабки босқичда экспорт шартномаси шакллантирилади. Иккинчи босқичда товар ва транспорт ҳужжатлари асосида экспорт декларацияси автоматик тўлдирилади. Учинчи босқичда божхона расмийлаштируви ва чегара назорати амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда тадбиркорлар учун божхона соҳасида қатор имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Биргина Навоий вилояти божхона бошқармаси томонидан 2024 йил январь-май ойларида импорт қилинган товарларга 892,8 миллиард сўмлик имтиёз берилди. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 18 та корхона ва ташкилотга 32,6 миллиард сўмлик божхона тўловини тўлаш муддати 120 кунгача кечиктириб берилди. Шунингдек, қиймати 406,5 миллион доллардан ортиқ бўлган товарлар хориж бозорларига йўналтирилди. Бунда асосий ҳажм табиий қазилма, ип-калава, тўқимачилик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди.



Ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда божхона тизимидаги имконият ва қулай шароитлар муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Навоий вилоятида хорижлик ҳамкорлар ва маҳаллий инвесторларга қўшимча енгиллик яратиш учун халқаро андазаларга мос тизим йўлга қўйилмоқда.

— Жорий йилда божхона постлари томонидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 35 фоизи яшил, 47 фоизи сариқ ва 18 фоизи қизил йўлакка йўналтирилган. Товарларнинг божхона расмийлаштируви учун сарфланаётган ўртача вақт импорт йўналишида 3 соат 48 дақиқа, экспорт йўналишида 1 соат 10 дақиқани ташкил этмоқда, — дейди Навоий вилояти божхона бошқармаси масъул ходими Мансур Баракаев. — Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, экспорт ва импорт маҳсулотларининг божхонадан расмийлаштирувида максимал даражада енгилликлар тақдим этиш учун жорий йил 25 мартдан “Экспорт уч қадамда” тизими асосида ишлар бажарилмоқда. Бу тизим афзалликлари хусусида экспортёр тадбиркорлар ўртасида тарғибот ишлари мунтазам давом эттирилиб, уларга амалий ёрдам берилмоқда.

Айни вақтда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аҳоли орасида талаб юқори 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва корхоналарда халқаро стандартларни жорий этиш ҳам долзарб вазифалардан. Вилоятда ушбу йўналишда ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, озиқ-овқат ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёни ҳам божхона органлари масъуллари томонидан белгиланган талаблар асосида назорат қилиб борилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 18 январда ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2024 йилда ўзлаштирилиши зарур бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва уларни мувофиқлаштириш божхона органларига юклатилди. Бу борада вилоят божхона бошқармаси томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилган, — дейди Навоий вилояти божхона бошқармаси ходими Акбар Ризоқулов. — Жорий йилнинг биринчи чорагида қиймати 3,7 миллион АҚШ долларига тенг 2 та инвестиция лойиҳаси ўзлаштирилди. Иккинчи чоракда эса 4,7 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши тўлиқ назорат қилиниб, мувофиқлаштириб борилди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва экспортни рағбатлантириш мақсадида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар юртимиз иқтисодий барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Саломатлик сабоғи



# СУЯК ЕМИРИЛИШИ КАСАЛЛИГИ НЕГА ЁШАРИБ БОРЯПТИ?

## БЕМОР ДАРДДАН ТЎЛИҚ ХАЛОС БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

**Кейинги пайтларда суяк емирилишидан азият чекаётганлар сони сезиларли даражада кўпаймоқда. Кимдир бўғим ҳосил қилувчи суяклар емирилишини COVID-19 асорати деб билса, бошқа биров касалликка наслий мойиллик сабаб бўлаётганини таъкидлайди. Хўш, касалликнинг ривожланишида қандай омиллар қатнашяпти? Олдини олиш ва даволаш чоралари ҳақида нималарни билишимиз зарур? Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази бош шифокори Муҳиддин Қодиров билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.**



— Бугун сон суяги бошчаси емирилиши кўп учраётгани сир эмас, — дейди Муҳиддин Қодиров. — Хўш, аваскуляр некроз қандай касаллик? Суяк тирик тўқимадир. Унинг яшовчанлигини сақлаб туриш учун доимий қон оқими керак. Мисол учун, суяк синган бўлса, қон оқими узилиб, муайян қисмларига етиб бормаслиги мумкин.

Қон оқими сусайиши билан тўқималар аста-секин ўла бошлайди. Бу аваскуляр некроз деб аталади. Уни ишемик суяк некрози ёки остеонекроз деб ҳам аташ мумкин. Касалликни эрта аниқлаш келгусида юзага келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларнинг олдини олишда жуда муҳим. Суяк тўқимаси доимий алмашиниб туради. Болалар ва ўсмирларда 18 ёшгача суяк емирилишига нисбатан янги суяк пайдо бўлиши тезроқ кечади. 30 ёшга киргунча суяклар турли туз ва микроэлементлар билан тўйиниб, мустаҳкамланади. Кейинчалик бу жараён секинлашади ва 40 ёшдан сўнг суякнинг юпқалашиши, яъни мўртлашиши кучаяди. Аслида, бу физиологик жараён бўлиб, суяк емирилиши эмас. Чунки суяк емирилиши касаллиги бугун ёш танламаяпти. Унга олиб борувчи сабаблар аксар ҳолатларда ноаниқлигича қолмоқда. Суякларнинг қон билан таъминланиши издан чиқиши, қон томирларининг беркилиб қолишига турли специфик ва носпецифик яллиғланишлар сабаб бўлади. Суяк емирилишидан азият чекаётганлар ичида ёшлар ҳам кўпчилик экани сир эмас.

**— Аксарият кишилар бу касалликни COVID-19 билан боғлаяпти. Коронавирусга чалинган беморлар гормонал дорилар, жумладан, дексаметазонни катта ҳажмда қабул қилгани касалликнинг юзага келишига сабаб бўляпти, деган фикрлар ҳам билдирилмоқда.**

— Кўплаб халқаро илмий конференцияларда бу борадаги баҳс-мунозараларга гувоҳ бўлдик ва касалликнинг келиб чиқиши моҳиятини ўрганишга киришдик. Бир қанча текширувлар, изланишлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида учта ген ўрганилди. 128 беморда морфологик текширув ўтказилди. Натижаларга кўра, узоқ муддатли гормонал терапия, яъни дексаметазон қабул қилингани бу касалликни келтириб чиқармайди. Зеро, препаратни пандемия пайтида бир ойлаб олган беморларимиз бор. Бир ой жонлантириш бўлимида ётган беморда бугун суяк емирилиши кузатилмаяпти. Бу эса касаллик гормонал дорилар қабул қилиш билан боғлиқ эмас, деган хулосага келишимизга асос бўлмоқда.

Коронавирус асорати деб ҳисобланаётган ушбу касалликнинг юзага келишида генетик омилнинг иштироки катта. Коронавирус инфекцияси генида шу касалликка мойиллиги бор одамларда асоратини қолдирган, яъни генида суяк емирилиши мавжуд беморларда касалликнинг ривожланишига туртки берган.





Генида мойиллиги йўқларда *аваскуляр некроз* — суяк емирилиши кузатилмаяпти. Аммо кўпчилик айтаётганидек пандемия пайтида қабул қилинган препаратга боғлиқ эмас.

Сон суяги бошчасида емирилиш ҳолати кўп кузатилмоқда. Чунки анатомик жиҳатдан у қон билан таъминланиши қийин аъзодир. Тизза, болдир, ошиқ бўғимлари, найсимон суякларда қон айланиши яхши бўлгани боис, суякларда емирилиш кузатилганда операцияга эҳтиёж юзага келмайди. Бундай беморлар жарроҳлик амалиётисиз шифо топмоқда. Лекин чаноқ-сон бўғимида остеонекроз жараёни тез ривожлангани сабабли сон суяги бошчасида патологик синиқлар ҳосил бўлиб, бўғим артрози тез ривожланиши кузатилмоқда. Ушбу жараёнда оператив усулда даволашга кўрсатма мавжуд. Чунки бемор оқсаб юрганидан кейин бел соҳаси ва тизза бўғимида оғриқ кучайиб кетади. Узоқ вақт даволаш бефойда бўлиб қолади. Шу туфайли бўғим фаолиятини тикловчи чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш операцияси зарур бўлади.

**— Бу касалликка қандай даво чоралари кўриляпти?**

— Суяк емирилиши, беморнинг ёши, касаллик тарихи ёки сабаби аниқлагандан сўнг энг тўғри даволаш усули бўйича қарор қабул қилинади. Дастлабки босқичда пайдо бўладиган оғриқ одатда дори-дармон билан назорат қилинади. Суяк бита бошлаганида қўшма ҳаракатчанликни сақлаш учун физиотерапия ёрдам бериши мумкин. Дори ва физиотерапия усулларига қарамай, аҳвол ўнгланмаса, жарроҳлик усули қўлланади.

Аваскуляр некрознинг биринчи, иккинчи ёки эрта босқичларида сон суяги бошчаси тўлиқ емирилмайди. Рентген ёки сцинтиграфия қилинганида, касалликнинг нолинчи босқичини аниқлаш мумкин. Биринчи ва иккинчи босқичларда қисман жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Сон суяги бошчасида емирилиш 30-40 фоизга етганидан сўнг ортга қайтмас жараён бошланади. Бу учинчи, тўртинчи даражадир. Емирилишнинг оғир даражаларида эндопротезлаш амалиёти ўтказилиши шарт. Бу операция марказимизда кенг йўлга қўйилган.

**— Сон суяги, елка, тизза бўғимларининг емирилиши билан боғлиқ хасталикларни даволашда қўлланадиган эндопротез мосламалари баҳоси бизда ўртача 20-25 миллион сўмга тенг. Ёки эндопротез сифати ва ишлаб чиқарилган мамлакатига қараб ундан анча қиммат ҳам бўлади. Эҳтиёжмандлар ҳар доим ҳам зарур маблағни топа олмайди. Бу эса даво чораларининг кечикиши ва касалликнинг зўрайишига сабаб бўлиши мумкин. Бу масала қандай ечим топмоқда?**



— Тўғри айтасиз, яқин ўтмишда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг сифатли ва самарали тиббий хизматдан фойдаланиш имконини етарли даражада деб бўлмасди. Президентимизнинг тегишли қарори билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ташкил қилингани ушбу муаммога оптимал ечим бўлди. 30 миллион сўмдан 40 миллион сўмгача бўлган энг мураккаб жарроҳлик амалиёти нафақат пойтахтда, балки вилоят, туманларда ҳам Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳисобидан мутлақо бепул ўтказиляпти.

Ўтган йили мамлакатимизда “Саломатлик сайли” жуда кенг кўламда ташкил этилди. Жорий йилда ҳам марказимиз малакали мутахассислари вилоятларда юқори технологик операциялар ўтказиб келяпти. Бу беморлар овора бўлишининг олдини олади ҳамда ҳеч қандай маблағсиз оёққа туришига кўмак беради. Операциядан кейин ҳам беморларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турамиз.

**— Бу касалликнинг олдини олиш мумкинми? Хасталик илк босқичларда аниқланса, бемор тўлиқ тузалиб кетадими?**

— Тажрибамизга кўра, аъзоларнинг қон билан тўлиқ таъминланмаслиги касалликка сабаб бўлиши мумкин. Одам ҳар куни иккитадан ёнғоқ еса ёки дуккакли, таркиби оқсилга бой маҳсулотлар истеъмол қилса, суяк емирилишидан сақланиш мумкин. Дори-дармонларсиз бу касалликнинг олдини олишга эришиш керак.

Хасталик эрта — биринчи босқичларда аниқланса, бемор тўлиқ тузалиб кетиши эҳтимоли катта. Уни қандай аниқлаймиз? Чов соҳасида оғриқ безовта қилса, фақат МРТга тушиш керак. МРТда биринчи даражада аваскуляр некроз бошланаётгани ёки унинг белгилари йўқлиги аниқ кўринади. Касаллик аниқланганда, албатта, травматолог-ортопедга мурожаат қилиш керак. Даволаш қанча эрта бошланса, бемор бу касалликдан эндопротезлаш операциясисиз шунча тез қутулиши мумкинлиги исботланган.

**— Эндопротезлаш амалиётидан кейин қандай реабилитация қоидаларига амал қилиш керак?**

— Юқори технологик жарроҳлик амалиёти замонавий тиббиётнинг энг катта ютуқларидан. Аммо илғор усулларда бажарилган операциялар ҳам ҳали беморнинг дарддан тўлиқ халос бўлганини англатмайди. Чунки бу муваффақиятнинг ярми, холос. Қолгани муолажаларнинг ажралмас қисми бўлган тиббий реабилитация қандай кечиши билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозир хасталикнинг сўнгги босқичларини бартараф этишда зарарланган бўғимга эндопротез ўрнатиш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Бу юқори технологияли даво чораси бўлиб, бемор операциядан сўнг ўртача 10 кун шифохонада зарур тиббий муолажа олади.

Ана шу даврда реабилитациянинг илк босқичлари бошланади. Дастлаб шифокор кўрсатмаси билан операция қилинган оёқ махсус валик ёрдамида тегишли ҳолатда ушланади. Аввал беморга нафас олиш, мушакларни мустаҳкамловчи машқларни бажариш ўргатилади.

Бу жараёнда эндопротез ўрнатилган бўғимни зўриқтириб қўймаслик ўта муҳим. Чунки нотўғри бажарилган хатти-ҳаракат, яъни тиббий реабилитация қоидаларини бузиш операциядан кейин яллиғланиш ўчоқлари ривожланиши, протезнинг силжиши, сурилиши, неврит, суяк ўсиши, оқсоқлик, бел оғриғи каби турли оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, шифокор кўрсатмаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Эндопротезлаш амалиётидан сўнг уч кун бемор ётоқ режимига тўлиқ амал қилади. Бу даврда нафас олиш ва баъзи енгил машқлар билан чекланилади. Уч-беш суткадан кейин беморнинг махсус мослама ёки қўлтиқтаёқ ёрдамида қисқа масофага юришига рухсат берилади. Қолаверса, чаноқ-сон бўғими операциясидан сўнг 90 даражадан кам бўлмаган бурчак остида 20 дақиқагача ўтириш тавсия этилади.

Машқлар давомида оёқлар кесишишига йўл қўймаслик учун махсус ёстиқдан фойдаланилади. Ўз навбатида, операция қилинган оёқнинг тўғри бурчакдан кўпроқ эгилмаслигини таъминлаш шарт.

Мушакларни чиниқтирувчи машқларни кунига бир неча марта, 5-10 дақиқа такрорлаш мақсадга мувофиқ. Ўтказилган жарроҳлик амалиёти таъсири ва самарадорлиги юқори бўлиши учун беморлар реабилитация қоидалари ҳамда эҳтиёт чораларига қатъий амал қилиши шарт. Физиотерапия муолажалари, дори-дармонлар ва жисмоний машқлар шундагина кутилган натижани беради.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Рисолат МАДИЕВА**
**суҳбатлашди.**



Бугуннинг гапи

# КИБЕРХАВФДАН

## КИБРСИЗ ҲИМОЯЛАНИШ КЕРАК

**Ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз: кун давомида неча бор интернет тармоғига кирасиз? Кўпчилик уйқудан уйғонибоқ телефонни қўлга олади ва ижтимоий тармоқларга кўз ташлайди. Тунда уйқуга кетиш олдидан глобал тармоқни яна бир кўздан кечирмай ухламайди. Шундай эмасми?**

Янгиликлардан, воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлар эканмиз, дарҳол уни танишларга жўнатамиз. Юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари ривож топгани сари ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳатто кейинги йилларда ҳаётимизга киберхавфсизлик тушунчаси ҳам кириб келди.

Киберхавфсизлик компьютерларни, тармоқ ва ижтимоий тармоққа уланган қайсидир қурилмани хавф ва таҳдиддан сақлашни англатади. Кўп қиррали фаолият тури бўлиб, унга фақат тизимли ва комплекс ёндашув муваффақият келтириши мумкин. Ушбу тизим номукаммаллиги оқибатида бир неча ўн йиллар қатор давлатларнинг ахборот тизимига киберҳужум амалга ошириб келинган.

— Ушбу турдаги жиноятлар интернет орқали амалга оширилгани учун ҳам киберjиноят дейилади. Бу жиноятнинг тури кўп. Ижтимоий тармоқ орқали одамга қаратилган, моддий манбалар — электрон ҳамёнларга ҳужумлар шулар сирасига киради. Кейинги пайтларда энг кўп учраётган киберjиноят тури пластик карталарга электрон ҳужумдир. Алдов усуллари орқали пластик картадан пул ечиб олиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди, — дейди Сурхондарё вилояти ИИБ киберхавфсизлик бўлими ходими Аббос Мўминов. — Статистикага кўра, тарғибот-ташвиқот ишлари ва тушунтиришлар натижасида вилоятда ўтган йилга нисбатан бу каби жиноятлар 10 фоиз камайган. Лекин хавф ҳамон мавжуд. Шу боис, унга қарши мунтазам курашиш лозим.

МДҲ мамлакатларига доир кибертаҳдидлар бўйича эълон қилинган “Касперский лабораторияси” ҳисоботига кўра, 2023 йил ҳамда 2024 йилнинг биринчи чорагида киберҳужумларнинг асосий қисми тожикистонлик фойдаланувчиларга бўлган. Ундан кейинги ўринларни Беларусь, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Арманистон эгаллаган. Шунингдек, тез-тез киберҳужумга дучор бўладиган фаолият турлари сифатида биринчи учликдан молия, қурилиш ва ишлаб чиқариш жой олган.

2023 йил охирига келиб, аксарият мамлакатларда киберҳужум кучайган бўлса, жорий йил бошида кескин камайди. Мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш ва киберjиноятларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида киберхавфсизлик мавзусида семинарлар мунтазам ўтказилмоқда.



— Аҳолида ўз маблағини пластик картада ҳимоя қила олиш кўникмасини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз одатда пластик карта ишлатар эканмиз, мижоз ва банк ўртасидаги шартномага эътибор қаратмаймиз. Ваҳоланки, шартномада картадан фойдаланиш тартиби, жавобгарлиги, оқибатлари, ҳимояланиш чоралари ёзилган, — дейди Марказий банк Сурхондарё вилояти бош бошқармаси бўлим бошлиғи Низомиддин Худойқулов. — Интернет тармоқларида картадан картага пул ўтказиш учун қатор иловалар ҳавола қилиб юборилади. Бунга эътибор қаратиш муҳим. Пул ўтказиш жараёнида тасдиқлаш коди келади. Мазкур кодни ҳам бировга бермаслик, эътиборсизлик қилмаслик шарт. “Пул ютуғига эга бўлдингиз”, “Сиз ғолибсиз” деган мазмундаги илова, ҳаволалардан ҳам ҳушёр бўлиш лозим. Киберjиноятчилар мижозларга қўнғироқ қилиб боғланади. Операция амалга оширилгани, тасдиқлаш кодини бериш зарурлигини айтади. Шу билан бирга, телефоннинг ёш болаларга бериб қўйилиши туфайли ҳам тушуниб-тушунмасдан ҳаволаларга кириб кетиш ва товламачиларнинг тегирмонига сув қуйишга сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберҳужум кузатилади. Ҳар сонияда 12 кишидан бири кибермакондаги ҳужумлар қурбонига айланади. Айниқса, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи айнан киберҳужумлар орқали содир этилмоқда.

— Пластик карта ва уяли телефон ўртасида уланиш мавжуд бўлса, киберjиноятчилар ҳавола орқали манбага кириб боради. Шунинг учун, аввало, ҳуқуқий онгни шакллантириш муҳим. Иккинчи навбатда, интернетдан фойдаланишда саводхонликни ошириш, келган ҳар қандай ҳаволага кириб кўрмаслик керак. Иловага бехосдан кириб ёки ўрнатиб қўйсангиз, зудлик билан интернетни ўчириш лозим. Сабаби, шу орқали интернет тармоғининг нариги томонида ўтирган “учар”нинг ўлжасига айланиб қолишдан ҳимояланасиз. Иловаларни ҳам дарҳол узиш, банкка мурожаат қилиб, пластик карта ҳисобини музлатиш керак, — дейди ахборот технологиялари мутахассиси Машраб Бобоёров.

Киберjиноят содир этганлик учун қонунларимизда ҳам жиддий ва муросасиз жавобгарлик белгиланган. Бу ҳолат ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик сифатида баҳоланади.

— Ижтимоий тармоқлар орқали ёлғон ҳавола тарқатиб, манфаат кўриш энг ёмон иллатлардан. Абдуллоҳ ибн Муқаффа “Адаб улкабир” асарида “Ҳар қандай гуноҳнинг асоси ёлғондир”, дейди. Ҳалоллик инсоннинг белгиси бўлмоғи лозим. Инсон кибрли бўлмай, билмаганларини билганлардан сўраб ўрганиши лозим. Огоҳ бўлишимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда, — дейди Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Сарвар Саидов.

Киберjиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш долзарб масалалардан. Бунинг учун, аввало, интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш, соҳага оид янгиликлардан хабардор бўлиш, атрофдаги воқеаларга эътиборсиз бўлмаслик лозим.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**“Ўрта авлод” орасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўймай, улар зиммасидаги масъулият ва вазифаларни сифатли адо этмай туриб, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириб бўлмайди. Шу маънода, “маҳалла еттилиги” фаолиятида қатор масалаларни ҳал этиш муҳим.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Мутахассис минбари

# ҒАРБНИ ОШНО ҚИЛГАН ШАРҚОНА ТАЖРИБА



## ОИЛАЛАР БИЛАН МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

**Сўнгги беш-олти йилдан бери Ғарб мамлакатларида бобо-момо, ота-она ҳамда фарзандлар бирга яшайдиган оилаларга нисбатан “сэндвич оила” бирикмаси қўлланмоқда.**



**Зиёда АКБАРҚУЛОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси**

Тасаввур қилинг: икки бўлак нон ва бир бурда гўшт ёки пишлоқ, сабзавотлар. Сабзавот ёки гўшт бўлагисиз сэндвич тайёрлаб бўлмагани каби бир пайтнинг ўзида ҳам фарзанд, ҳам ота-она бўлган ўрта авлодсиз мазкур оилани тасаввур қилиб бўлмайди. Ғарбда бундай оилалар сони нисбатан кам бўлса-да, ижтимоий кўмак бериш таклифи илгари сурилаётгани уларнинг оила, оила қадриятларини сақлаб қолишга эзгу ҳаракати сифатида баҳоланади. Шарқда-чи? Шарқ мамлакатларида оилавий қадриятларга алоҳида эътибордаги масала сифатида қаралади. Бу фарзанд тарбияси, ота-онага бўлган меҳр-муҳаббат, оқибат ва эл-юрт олдидаги масъулият ҳисси билан чандон қадрли.

Бугунги ўзгараётган дунёвий муносабатларда эса оила муҳити ва инсоний қадриятлар ҳар биримиздан фикрий комиллик ҳамда тарбиявий юксалишни талаб қилади. Шу маънода, бугун мамлакатимиздаги оилавий қадриятларнинг қай даражада такомилга етаётгани, кундалик ҳаётда учраб турадиган баъзи масалалар юзасидан фикрлашмоқни жоиз деб билдик.

2023 йил январь ойи статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 9 миллион 729 минг 961 та оила мавжуд. Оилаларнинг 3 фоизи бир кишидан, 6,9 фоизи икки кишидан, 10,7 фоизи уч кишидан, 18 фоизи тўрт кишидан, 22 фоизи беш кишидан ва ниҳоят, қарийб 40 фоизи олти ёки ундан ортиқ кишидан иборат.

Ёш гуруҳига кўра эса оила аъзолари сонининг энг катта улуши 31-59 ёшлиларга тўғри келади. Фарзандлар сони жиҳатидан ўтказилган ўрганишлар 23,3 фоиз бир болали, 26,3 фоиз икки болали, 18,3 фоиз уч болали ҳамда 7,4 фоиз тўрт ва ундан кўп болали оилалар истиқомат қилишини кўрсатади.

Бугун ажрашаётган оилаларнинг катта қисмини энг камида уч болали оилалар ташкил этмоқда. Шунингдек, турли маънавий таҳдидлар тўғридан тўғри бутун яхлит оилага таъсир ўтказмоқда. Оиланинг “ўрта авлоди” билан ишлаш механизми айнан бугуннинг талаби эканини яна бошқа кўплаб омилларда кўриш мумкин.

Фаровон ҳаёт ва барқарор келажак оилалар билан боғлиқ муаммоли масалаларни, улар аҳволига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнлар ҳақидаги билимларни чуқурлаштиришни тақозо этади. Бинобарин, бугун аниқ механизмлар ёрдамида оилалар билан ишлашни рақамлаштириш замон талабидир.

**Рисоладагидек ота-она ва фарзанд.** “Ўрта авлод” вакиллари ёши 45-55 атрофида. Ота-она сифатида вояга етмаган фарзандларини катта ҳаётга тайёрлаш, тарбиялаш, таълим олиши учун кўмаклашиш, олий маълумотли бўлишига сармоя йўналтириш, уйлантириш, турмушга узатиш каби халқимиз ва миллий қадриятларимизга хос “ширин ташвиш”ларга кўмилган ушбу авлод, ўз навбатида, ёши улуғ ота-онасининг саломатлиги, осойишта ҳаёт кечириши, орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариши керак. Шунингдек, улар фарзандининг жисмоний ва маънавий тарбиясига ҳам масъул.

Рисоладагидек ота-она ва фарзанд бўлишдан ташқари ўз устида ишлаш, карьера қилиш, касбий фаолиятини ривожлантириш каби қатор масалалар оиланинг “ўрта авлоди” вакилларидан тасаввуримиздагидан кўра анча катта қувват талаб этиши ҳақида кўпчилигимиз деярли ўйлаб кўрмаймиз.



Бундан ташқари, “ўрта авлод” вакиллари жамиятдаги ижтимоий фаол шахс ҳамдир. У ўзини доимий ривожлантириб бориши, ўз устида тинимсиз ишлаши, касбий фаолиятида самарадорликка эришиши, халқона айтганда, ўзидан яхши ном қолдириши, бугуннинг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, жамият тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшиши лозим. Аммо мазкур авлодга бир пайтнинг ўзида тарозининг ҳар икки палласини бирдек ушлаб туриш, шунингдек, ўз шахсиятини ривожлантириш қатор маиший муаммолар келтириб чиқариши шубҳасиз.

**Вақт етишмовчилиги.** Одатда инсон тонгни икки авлодга нонушта тайёрлаш билан бошлайди. Ишга отланаркан, йўл-йўлакай фарзандларини ўқишга, вояга етмаганларини мактабга, боғчага ташлаб ўтади. Ота-онасининг ҳолини сўраш, рўзғор ва турмуш ташвишлари билан қизиқиш, куннинг биринчи ярмига тақсимлай олмаган масалаларни ҳал этишни ишдан кейинги, яъни кечки пайтга режалаштириш ва ҳоказо.

Ишга ўз вақтида етиб бориш, сифатли фаолият юритиш, зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ адо этиш, бўш вақт топиб, карьераси билан шуғулланиш, шахсий ҳаётини тартибга солиш сингари мажбуриятлари ундан қўшимча куч ва салоҳият талаб қилади.

**Иқтисодий барқарорликни сақлаш.** Рўзғорбоши эркак ва аёл рўзғорнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашдан ташқари фарзандлари келажаги учун (қадриятларимизга асосан) сармоя тикиши лозим. Демак, қўшимча даромад манбаини яратиш чораларини кўриш фақат фойдага хизмат қилади.

**Саломатлик.** Кун бўйи зиммасидаги вазифалар саломатлик билан боғлиқ кичик-кичик муаммоларни вужудга келтира бошлайди. Бироқ унинг олдида турган бурч ва масъулият дам олиш соатларини ота-онаси ва фарзандларининг юмуши ёки шахсий ривожланиши доирасидаги ташвишлар билан баҳам кўришни ўргатади.

“Ўрта авлод” орасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўймай, улар зиммасидаги масъулият ва вазифаларни сифатли адо этмай туриб, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириб бўлмайди. Шу маънода, “маҳалла еттилиги” фаолиятида қатор масалаларни ҳал этиш муҳим.

*Биринчидан,* жамиятдаги аксарият рейтинглар юқори кўрсаткичлар асосида белгиланишини инобатга олиб, “фарзандининг бахти”, “ота-онасининг ҳаваси” ниқобидаги дабдабабозликларга чек қўйиш бўйича Маҳаллада тўй ва бошқа маросимларни нишонлаш борасида низом ишлаб чиқиш ҳамда у асосида маросимларни моддий-маънавий тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур ҳужжат ҳуқуқий асосга эга бўлиб, ортиқча дабдабабозликларга, орзу-ҳавасларнинг қолипдан чиқиб кетишига, айниқса, “ўрта авлод”нинг молиявий ҳолатида режалаштирилмаган харажатларни келтириб чиқарадиган ҳою ҳавасларни тартибга солишга хизмат қилиши лозим. Зеро, ортиқча чиқимни чеклаш оилани ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, билим ва кўникмаларни оширишга сармоя киритиш имконини беради.

Кўплаб оилалар бузилиши, қуда-андалар ўртасидаги муносабатларнинг совиши, нотинч, ноқобил оилалар кўпайиши, фарзандларнинг тирик етим бўлиб қолиши каби ҳолатлар ортишига тўй ва бошқа маросимларнинг қарз эвазига ўтказилиши ҳам сабаб бўлмоқда.

*Иккинчидан,* маҳаллада ижтимоий ходим хизматини, ижтимоий педагогик хизмат кўрсатишни жорий қилиш даркор. Маҳаллада кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, яъни уларни турли спорт мусобақаларига жалб этиш, нуронийлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби ишлар тизимли йўлга қўйилиши учун “Маҳаллада соғлом ҳаёт маркази” фаолиятини йўлга қўйиш лозим.



Бугун спорт-соғломлаштириш мажмуалари, жумладан, сузиш ҳавзалари, фитнес клублар, кинотеатрлар марказлашган ҳудудларда экани аҳолига ноқулайлик туғдиради. Барча комплекс хизматларни ўз ичига олган марказларнинг маҳаллада барпо этилиши қулай ва ҳамёнбоп бўлади. Бу маҳалладошлар, қўни-қўшнилар, оилалар ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни ҳам соғломлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур марказлар маҳаллада янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликнинг маҳалла йўналишини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Натижада “ўрта авлод” билан ишлашни тизимли йўлга қўйиш бўйича янги механизмлар вужудга келади.

Нафақадаги педагог ва тарбиячиларимизни маҳалла ижтимоий педагогика хизматига ёллаш орқали “ўрта авлод” тарбияланувчилари билан қўшимча таълим-тарбия бериш ишларини ташкил этиш мумкин. Мактаб ёшидаги болалар билан маҳаллада ишлаш қулай, шунингдек, маҳаллабоп тўгараклар очиш имконини беради. Фахрийларнинг маҳорат дарсларидан фойдаланиш учун шароит яратади. Маҳаллада ижтимоий педагогик хизмат кўрсатиш нафақат фахрий, балки бола парвариши, уй юмушлари билан банд педагог аёлларга ҳам касбий фаолиятини давом эттириш имконини беради.

“Ўрта авлод” болалари учун қўшимча дарслар ўтилади. Ушбу хизмат учун маҳаллада ижтимоий педагогик хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча дарслар ташкил этиш борасида алоҳида методик қўлланмалар ҳамда тарғибот материаллари яратилади, захира кадрлар шакллантирилади. Ижтимоий педагогик хизмат кўрсатишнинг прейскурант бўйича сметаси шакллантирилади.

*Учинчидан,* маҳаллада ва мактабдаги тарбия дарсларида “Ота-она-бола соати”, “Бобо-момо-набира соати”ни жорий қилиш катта аҳамиятга эга. Маҳалладаги зиёли, юксак маънавиятли, маърифатпарвар инсонларнинг фарзанд тарбиясидаги тажриба ва кўникмалари тарғиб этилади. Жамиятимизда кексаликка бекорчилик эмас, балки энг масъулиятли давр деб қараш, катта ҳаётий мактабнинг билим ва кўникмаларини жамиятга, айниқса, оилага татбиқ этиш бўйича нуронийлар тажрибасини ўрганиш шаклланади.

Бугун жамиятимиздаги “ўрта авлод” вакилларининг аксарияти ёшлар тарбиясига масъулликни ҳис этмаслиги билан эмас, “ҳис этишга вақти етмаётгани” билан ажралиб турибди. “Ўрта авлод”нинг жамиятдаги ижтимоий фаол фуқаро сифатидаги хусусиятини ошириш, шахсини ривожлантиришда самарадор кўрсаткичга эришиш мамлакат тараққиёти учун муҳим омиллардан бири. Шу боис, мазкур оилалар билан ишлашни янги босқичга олиб чиқиш жуда долзарб.

Оиланинг “ўрта авлоди” билан ишлашнинг шарқона тажрибаси бизда аллақачон шаклланган ва ривожланган. Маҳаллаларда туғилиб ўсган зиёлиларнинг ўз маҳалласи аҳли учун қайғуриши, муаммоларини ўзиники деб билишига тарихда ҳам, бугун ҳам мисоллар кўп. Халқ орасида “маҳалла кайвонилари” номи билан танилган ҳамюртларимизнинг борлиги оилаларимиз маънавий қиёфасини юксалтиришда ҳам маҳалланинг “лаббай” деган овози борлигидан, “маҳалла еттилиги”га қанот бўладиган жонкуярлар бисёрлигидан далолат беради.

Маҳалладан гапирамиз

# КАТТА КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ

### БИРИНЧИ МАНЗИЛ — ЗАНГИОТА

*Кечки таомни вақтлироқ тайёрлаб, болаларини апил-тапил овқатлантириб, байрамона кийинтирган қўшниларнинг чуғур-чуғури хаёлимни бўлди. Секин ойнадан қарадим. “Энди чақирмоқчи бўлиб тургандик, юринг, “Маҳалла карвони”га кетяпмиз”, деди аёллар. Аввалдан маҳалланинг телеграм каналида хабари берилган бу тадбирга боришни шундоқ ҳам ният қилгандик. “Маънавият”, “Маданият”, “Китоб” карвонларида иштирок этган бўлсак-да, “Маҳалла карвони”га ҳам қизиқишимиз ўзгача эди.*

*Йўл-йўлакай бошқаларни ҳам хабардор этиб, “Ватанпарвар” МФЙ марказига йўл олдик. Отахону онахонлар, ёш оилалар, бола-чақа — ҳамма мусиқа садолари янграётган гавжум майдон томон шошиб боряпти. Кимдир “Вой, бошланиб бўлган, шекилли, ана-мана деб кеч қолибмиз”, деса, бошқаси унга жавобан “Э, ҳали узоқ давом этса керак, одамлар оқиб келяпти-ку”, дейди.*

*Тадбирга жиддий ҳозирлик кўрилгани, қўл учида, расмиятчилик учун ўтказилмаётгани сезилиб турарди. Чиндан ҳам санъаткорлар чиқишини бошлаб юборган, юрагида ўти борлар даврада рақс тушаётган экан.*

### СОҒЛИҚ БЎЛМАСА, ТЎЙ-ТАНТАНА ТАТИМАС

Бир четда ҳарбий қисм курсантларининг шўх рақсларини ҳавас билан томоша қилиб тургандик. Нариги маҳаллалик Мақсуда опа сафимизга қўшилди. Кичик ўғлининг оиласидан хабар олгани келган аёл концертдан аввал аҳоли учун бепул тиббий кўрик ташкил қилинганию фурсатдан фойдаланиб, вилоятдан таклиф этилган кучли мутахассисларга кўриниб олганини айтди. Кун давомида шифокорлар кўригидан ўтган яна бир аёл суҳбатимизга қўшилиб, тиббий кўрик ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

— Маҳалламизда 850 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Ватанпарвар” МФЙ раиси Шуҳрат Муротов. — Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмасининг “Маҳалла карвони” маънавий-маърифий тарғибот тадбири баҳонасида тиббий кўрик ҳам ташкиллаштирдик. 351 фуқаро чуқурлаштирилган текширувдан ўтди. Кўз, ўпка касалликларини аниқловчи аппаратлар, кўплаб керакли мутахассислар аҳоли хизматида бўлди. Одамларимиз жуда мамнун.

Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология маркази Тошкент вилояти филиали бош шифокори Баҳодир Ғаффоровнинг айтишича, тиббий кўрикда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази мобил клиникаси, вилоят тиббиёт марказлари бош мутахассислари ва вилоят мобил офтальмологияси, Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси бош мутахассислари иштирокида лаборатория, ЭКГ, УТТ ва скрининг текширувлари ўтказилди. Аҳоли 14 хилдаги тор мутахассисликлар йўналишида текширилиб, 196 фуқарода турли касалликлар аниқланди. Касаллик аниқланган 162 беморга амбулатор шароитда, 28 нафарига туман, 6 нафарига вилоят муассасасида даволаниш учун тавсия берилди.



Шу ўринда айтиш жоизки, кўпгина касалликларнинг бошланиши аломатларсиз кечиши, оғриқ муаммо жиддийлашгандагина пайдо бўлиши мумкин. Ўз вақтида ўтказилган тиббий текширув ва таҳлиллар хасталикларни барвақт аниқлашга ва олдини олишга ёрдам беради.

Бундай текширувлар зарур эмас дегувчилар аёллар учун гинеколог ва маммолог, эркаклар учун уролог ва проктолог кўригидан ўтиб туриш саратон ва бошқа кўплаб касалликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда муваффақиятли даволаш имконини беришини тушуниб етиши керак.

Шуларни инобатга олган ҳолда, тадбир давомида кўчма диагностика мутахассислари иштирокида саломатликни мустаҳкамлаш, тиббий маданият мавзусида суҳбатлар ташкил этилгани, айниқса, эҳтиёжмандларга тегишли ташкилотлар томонидан кўзи ожизлар ҳассаси, эшитиш мосламаси, ногиронлик аравачалари берилганини алоҳида таъкидламоқчимиз.

### ЯНГИ КУТУБХОНА ВА ТЎГАРАК МУБОРАК, МАҲАЛЛАДОШЛАР!

Карвонларнинг аҳамияти шундаки, улар нафақат тантанаворлик, кўтаринки кайфият, балки ҳудудларга маънавият, илм-зиё ҳам олиб киради. Жумладан, “Маҳалла карвони” доирасида ҳам ҳар бир ёш тоифаси учун алоҳида, ўн тўртдан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилди. Халқ севган санъаткорларнинг чиқишлари, оқила аёллар билан давра суҳбатлари, шоир-ёзувчилар, фаол ёшлар иштироки, спорт тадбирлари, болалар учун махсус кўргазмалар, ҳунармандлик маҳсулотлари намойиши кўпчиликка манзур бўляпти. Энг муҳими, лойиҳа доирасида Ватанпарвар маҳалласида кутубхона ва шахмат-шашка тўгараги очилди. Кутубхонага кирган китобхон ёшларнинг кўзи қувнади. Катталар бир-бирини кутубхона, янги тўгарак билан муборакбод этиб қутлади.

Китоб олиб бера олмаётган, фарзандлари билан шахмат-шашка тўгараги учун узоққа қатнаётган ота-оналар энди қийналмайди. Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши, дейишади-ку ахир. Ёзнинг иссиғию қишнинг қаҳратонида ёнгинангдаги шароитлардан фойдаланишга нима етсин?

Мана шундай хаёллар оғушида дилбар куй-қўшиқларга жўр бўлган оналардан бири Насиба Арслонова. Опа шу маҳаллага келганидан буён бунақанги тадбир биринчи марта бўлаётганини яширмади. Дастлабки манзил Ватанпарвар маҳалласи бўлганидан ғурурланган каттаю кичик чинакам маданий ҳордиқ чиқарди. Тадбирнинг яна бир яхши томони шу бўлдики, ташкилотчилар маҳалланинг фаол болалари, ёшларию кайвони оналари, оқила уй бекаларини ҳам кашф қилди. Алла айтган жувонлар, лапарга қўшилган онахонлар, иқтидорини намойиш этган ёшларга совғалар улашилди.

Ўзини ёшаргандек ҳис қилганини айтар экан, маҳалла катталаридан бири, меҳнат фахрийси Облоқул ака Жўраев Маҳаллалар уюшмасининг бундай эътиборини, ташаббусини Зангиота туман аҳолисига бўлган ҳурмат, эҳтиром деб баҳолади.

Санъаткорлар, сўз усталарининг чиқишлари узоқ давом этган бўлса-да, анчадан буён шундай учрашувларни соғинган, айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган одамларнинг тарқалгиси йўқ. Бироқ карвон узоқ манзилларни кўзлаган. Ҳали барчаси олдинда. Сардоба туманининг Дўстлик маҳалласига қўниб ўтган карвон Бахмал туманидаги Бахмал маҳалласидан ўтиб, кейинги манзиллар сари кетиб боряпти. Ўйлаймизки, юртимиздаги санъатга, маънавият ва маърифатга чанқоқ минглаб қалблар карвоннинг яна қайтиб келишини орзиқиб кутиб қолади.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2352
42368 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:26 Топширилди — 23:50